



**“TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ  
XO‘JALIGINI MEXANIZATSIYALASH  
MUHANDISLARI INSTITUTI” MILLIY TADQIQOT  
UNIVERSITETI**



**MAB3Y 4**

**KONDENSATSION VA ISSIQLIK ELEKTR  
STANSIYALAR. GIDROELEKTROSTANSIYALAR.**




## Список литературы

1. Обозов А.Дж., Ботпаев Р.М. Возобновляемые источники энергии. Учебного пособия для студентов высших учебных заведений. Бишкек, 2010. – 224 с.
2. Потапов В.М., Ткаченко П.Е., Юшманов О.П. Использование водной энергии. М., Колос, 1972, 343с.
3. Гидроэлектрические станции. Под ред. Ф.Ф.Губина и Г.И.Кривченко. М., Энергия 1980 г.
4. А. Д. Сахарова, С. В. Артемчук. Гидравлический расчет водопроводящих трактов гидроэнергетических установок. учебно-методич. пособие/ Минск : МГЭУ им. А. Д. Сахарова, 2010. – 102 с.




## КОНДЕНСАЦИОН ЭЛЕКТРСТАНЦИЯЛАР.

*Конденсацион электр станциялар (КЭС)* иссиқлик электростанцияларининг бир тури бўлиб, органик ёқилғини ёқишдан ҳосил бўлган иссиқлик энергияси аввало механик энергияга, сунгра электр энергиясига айлантиради (2-расм). КЭСларнинг характерли белгилари шундан иборатки, турбинада фойдаланиб бўлинган буғдан станциядан ташқаридаги мақсадларда (уйлар, иссиқхоналар ва бошқаларни иситишда) фойдаланмайди, балки ишлатиб бўлинган буғ конденсаторларда яна сувга алантирилиб иккинчи марта фойдаланиш учун буғ қозонларига йўналтирилади.



1-расм. КЭСда ёқилғини электроэнергияга айланиш схемаси.

## КЭСнинг ТЕХНОЛОГИК СХЕМАСИ



2-расм. Каттик ёқилғида ишлайдиган конденсацион электростанциянинг технологик схемаси:

КЭСнинг ҳаракат қилиш принципи-технологик схемасини қараб чиқа-миз (2-расм). Ушбу схемадаги баъзибир қисмлар иссиқлик электростанция-синикига ўхшаш бўлиб, фақатгина бундаги иссиқ оқим станцияга эмас балки, биргина иссиқлик қозонига йўналтирилади (бўғ турбина қурилмаси-БТҚ). КЭСга олиб келинган ёқилғи дастлабки ишловдан ўтказилади. КЭСда кўпроқ ишлатилади-ган қаттиқ ёқилғилардан бири кўмир, аввало бўлақларга бўлинади, сунгра қуритилиб махсус тегирмонларда чанг-кукун ҳолатига келгунча майдала-нади. Ёқилғини ташиб келиш, тушириш, сақлаш ва дастлабки ишловдан ўтказиш қурилмаларига **ёқилғи хўжалиги** ёки **ёқилғи узатиш** комплексига дейилади. Ёқилғи узатиш-1 ва кукун тайёрлаш-2, **КЭС-нинг ёқилғи тракти** дейилади (2-расмдаги А қисм).

Кукун ҳолатига келтирилган тошкўмир, махсус насос ёрдамида ҳаво оқими билан аралаштирилиб қозоннинг ёқиш қисмига узатилади. Ёқилғини ёнишидан қолган маҳсулотлари, махсус тозалаш иншооти кул ушлаб қолувчидан ўтказилади. Тозалаш иншоотида кул ва бошқа аралашмалар бир-биридан ажратилади (нефт маҳсулотлари ва газ қўлланганда кул ушлаб қолувчи иншоот талаб қилинмайди).

